

Қурайш мушрикларининг охирги ҳужуми



11:00 / 24.02.2021 2146

Шаввол ойида Исломни ва мусулмонларни бутунлай йўқ қилиб ташлаш мақсадида барча Ислом душманлари уюшиб жам бўлди. Қурайш, Ғатафон ва бошқа қабилалар тўпланиб, Мадинага юриш қилишди. Уларнинг сони ўн мингга эди. Уларни бу юришга Хайбардаги яҳудийлар қизиқтиришди.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам саҳобалар билан маслаҳат қилдилар. Салмон Форсий розияллоҳу анҳу Мадинанинг атрофига хандақ қазиб, уни ҳимоя қилишни маслаҳат бердилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ушбу маслаҳатга амал қилдилар. Мусулмонларнинг сони уч мингга эди.

Душман аскарлари томонидан мусулмонларга қарши уюштирилган қамал бир ойча давом этди. Бану Қурайза аҳдини бузиб, мусулмонларга қарши душманга қўшилди. Нуъайм ибн Масъуд Ашжаъий мусулмон бўлди. Ҳарбий

ҳийла билан Қурайза, Қурайш ва ғатафонликларнинг ўртасига нифоқ солди. Ҳар бир гуруҳнинг олдига бориб, бошқаси уни зиддига ҳаракат қилаётганини айтиб, уларнинг ўртасини бузди. Натижада улар тарқалиб кетишди. Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло мушрикларга Ўзининг лашкарларидан бирини – кучли шамол юбориб, уларнинг чодирларини бузиб, қозонларини ағдариб ташлади. Шундан кейин улар қочиб қолишди.

Бу ҳақда Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло Аҳзоб сурасида шундай хабар берган:

«Эй иймон келтирганлар! Аллоҳнинг сизга берган неъматини эсланг. Ўшанда устингизга лашкарлар келган эди. Уларнинг устига шамолни ва сиз кўрмаган лашкарларни юбордик. Аллоҳ нима қилаётганингизни кўриб турувчидир!» (9-оят)

Аллоҳ таоло совуқ қиш кечасида кофирлар қўшини устига ўта совуқ шамолни юборди. Шамол уларнинг қозон ва чодирларини учириб кетди. Оловларини ўчириб ташлади. Бирор киши қоматини тик тутиб юролмай қолди.

Уламоларимиз: «Сиз кўрмаган лашкарлар»дан мурод фаришталар бўлиб, улар мушрикларнинг қалбларига қўрқинч солганлар-у, уруш қилмаганлар», дейдилар.

Хандақ ғазоти Қурайш мушрикларининг Мадинаи мунавварага қилган охирги ҳужуми эди.

«Ислом тарихи» биринчи китобидан